FARG‘ONA VILOYATI QUVA TUMANI HOKIMINING QARORI

Quva tumani, Qayqubbod ko’chasi 244 uy

2021 - yil 30 - dekabr 191-11-156-Q/21 Quva tuman hokimiyati

Қува туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан Қува тумани худудидаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокими ўринбосари (А.Исахонов, О.Акбаров)ларга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

санитария қоидалари ва меъёрларига қатъиян риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминласин, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширсин.

3. Туман ободонлаштириш бошқармаси (Н.Абдуллаев) ҳамда қабристонларнинг маъмурияти:

хизматлар учун қатъиян белгиланган таърифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

қабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида

архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор “Қува ҳаёти” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Умаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Х. Умаров**

Қува туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
191-11-156-Q/21-сон қарорига
1-илова

Тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори

Т/р	**Хизмат тури**	**Ўлчов бирлиги**	**Энг кам ойлик иш хакига нисбатан (*фоиз хисобида)***
1	Гўр қазиш (*диний мансублигидан қатьий назар катта ўлчамда 16 ёшдан юқори)*	1 ўринга	148500 сўм
2	Гўр қазиш (*диний мансублигидан қатьий назар кичик ўлчамда 3 ёшдан 16ёшгача)*	1 ўринга	121500 сўм
3	Гўр қазиш (*диний мансублигидан қатьий назар 3 ёшгача)*	1 ўринга	бепул
4	Махсус номерланган устунчалар тайёрлаш	1 ўринга	13500 сўм
5	Қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин/кунга	бепул

Изох: Тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17-август" Иш хақи,пенсиялар,стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-6279-сон фармонига мувофиқ 2021-йилнинг 1-сентябрдан бошлаб энг кам ойлик иш хақи 270000 сўм этиб белгиланганлигини хисобга олган холда энг кам иш хақига нисбатан фоиз улушида белгиланади.Энг кам ойлик иш хаққи ортишига мутаносиб равишда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори хам ортади.